

# Қуръони Карим дарслари (72-дарс). Қуръони Каримнинг баъзи сўз ва ҳарфларини талаффуз қилишдаги ижозат



13:55 / 11.02.2020 6791

*(иккинчи мақола)*

## **4. Бир калимани бошқа калимага алмаштиришдаги ихтилофлар.**

Бунда кўпинча ушбу калималар ўзаро муродиф – маънодош (синоним) бўлади. Ушбу муродиф калималарни турли қабилалар турли хил ишлатгани учун қироатда ҳам улар ўзларига таниш калимани ишлатадилар. Қориъа сурасининг 5-оятидаги

الْمَنْفُوشِ كَالْعِهْنِ

ни бошқа қироатда «شَوْفَنْ لِفِ وُصْلَاك» каби ўқилади.

Ёки ўзгарган калималарнинг махражлари бир-бирига яқин бўлади ва улар ҳам ўзаро бир-бирининг ўрнини боса олади. Бунда махражнинг яқинлиги маънонинг ҳам яқинлигини сездириб туради. Мисол учун, Воқиъа сурасининг 29-оятдаги

مَنْضُورٍ وَطَلْحِ

лафзи бошқа қироатда «دَوْضَنْ مَرْغَلَطُو» каби ўқилади. Ушбу «ъайн» товуши билан «ҳа» товушининг махражи бир бўлиб, иккиси опа-сингил кабидир. «Толҳин» деб ўқилса, «бананзор», «толъин» деб ўқилса, «тугунча» (мева тугунчаси) деган маъно тушунилади.

Аммо Ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг Моида сурасидаги

أَيْدِيَهُمَا فَاقْطَعُوا

ни «أَمْهَنْ أَمْيَ أَوْعَطَقَ أَف» каби қироат қилиши шоздир, яъни мутавотирнинг аксидир. Чунки ушбу қироат оҳод йўл билан ворид бўлган. Яна шуниси аниқки, саҳобийнинг ушбу қироати оятни тафсир қилиш йўли асосида бўлган.

## **5. Тақдим (олдинга суриш) ва таъхир қилиш(орқага суриш)даги ихтилофлар.**

Умумий араб тилидаги ёки хос таъбирга мослаштиришдаги таъхир ёки тақдимнинг маълум кўриниши. Мисол учун, Аллоҳ таоло моллари ва жонларини жаннат эвазига сотиб олган, Ўзининг йўлида жанг қиладиган мўминлар ҳақида Тавба сурасининг 111-оятда:

وَيُقْتَلُونَ وَيَقْتُلُونَ

деган, яъни «ўлдирурлар ва ўлдирилурлар».



Имола – «алиф»ни «йа»га мойил қилиб, «э»га ўхшатиб ўқиш;

Тарқиқ – бирор нутқ товушини ингичка, яъни тил орқасини кўтармай айтиш;

Тафхим – тарқиқнинг зидди, товушни йўғон шаклда, тил орқасини кўтариб талаффуз этиш;

Ҳамз – ҳамза ундошини тўлиқ талаффуз этиш;

Тасҳил – ҳамза ундошини чала талаффуз этиш;

Музориъат – ҳозирги-келаси замон феълни ясовчи қўшимча ҳарфлар. Улар феълнинг ўзак ҳарфлари олдидан келади.

Қалб қилиш – бирор нутқ товушини бошқасига алиштириб айтиш;

Тазкир-танис – исм ва феълларнинг икки жинсда турланиши;

Ишбоъ – тугал чўзиш; «мим»ни ишбоъ қилиш – олмошларда кўпликни ифодалаб келган «мим»нинг заммасини чўзиб чўзиқ «у» шаклида ўқиш;

Равм – ҳарф ҳаракатини чала ва паст айтиш. У касра ва замма ҳаракатларида бўлади;

Ишмом – ҳарф ҳаракатини овозсиз, фақат лабнинг ҳаракати билан билдириш. У фақат замма ҳаракатида бўлади.

Мисол учун, Тоҳа сурасининг 9-ояти:

مُوسَىٰ حَدِيثٌ أُنثَىٰ وَهَلْ

ва Қиёмат сурасининг 4-ояти:

بَنَانَهُ، نَسُوهُ أَنْ عَلَىٰ قَدْرَيْنَ بَلَىٰ

Ушбу оятлардаги «يَتَىٰ», «يَسُومُ» ҳамда «يَلَبُ» калималарини бошқа қироатда имола қилиб, яъни «а» товушини «и» товушига мойил қилиб ўқилади.

Яна:

بَصِيرًا خَيْرًا

даги «ро»ни тарқиқ қилиб ўқиш,

الصَّلَاةَ

ва

الطَّلُقُ

лафзларида «лом»ни тафҳим (йўғон) қилиб ўқиш ҳам бор.

أَفْلَحَ قَدَّ

даги қатъий ҳамзани тасҳил қилиб ўқиш,

يَعْلَمُونَ لِقَوْمٍ

نَعْلَمُ إِنَّا

وَجُوهٌ وَسُودٌ

إِلَيْكُمْ أَعْتَدَ الْفِر

каби музориъ ҳарфларни касра қилиб,

«مُكِّي لِي دَعَا مَلَأَ», «هُوَ حُجٌّ وَدَوْسَتَ وَ», «مَلَّ عَنَّا إِنَّا», «نَوْمٌ لِي عِي مَوْقِلَ»

тарзида ўқиш кабилар мутавотир қироатларда учрайди. Ҳузалийлар

حِينَ حَتَّى

ни «عِي عِي تَعَّ» деб, яъни «ҳа»ни «аъйн»га алмаштириб ўқийдилар.

عَلَيْهِمْ أَعَمَّتَ الَّذِينَ صِرَطَ

ва

السَّوْرَةُ دَائِرَةٌ عَلَيْهِمْ

каби музаккар кўпликнинг «мим»ини ишбоъ қилиб, «وَمَوْجٍ لَّعَلَّ» ва «وَمَوْجٍ مِّنْ» тарзида ўқиш ҳам бор.

الْمَاءُ وَغِيصَ

жумласидаги «ғойн»нинг заммасини касрага ишмом қилиб ўқиш кабилар лаҳжалардаги ихтилофларга мисол бўлади.

Дарҳақиқат, ушбу охирги еттинчи ваҳж энг муҳими ҳисобланади. Чунки Қуръони Каримнинг етти ҳарфда нозил бўлишидан кўзланган буюк ҳикмат ушбу охирги ваҳжда юзага чиқади. Бунда лаҳжалари ва қабилалари турлича бўлган ушбу уммат учун осонлаштириш ва енгиллатиш бор. Улар айрим лафзларни турлича талаффуз қиладилар. Шундай экан, уларнинг нутқ йўналишлари ва лаҳжаларини эътиборга олиш лозимдир. Лекин луғатларнинг ўзинигина риоя қилиш вожиб эмас. Чунки Қуръони Карим араб луғатларининг барчасини ўзида акс эттирган Қурайш луғатида нозил бўлган экан, бошқа луғатлардан ўзи хоҳлаганини танлаб олди. Баъзи уламоларнинг мутаассиблик билан айтган «Қуръони Карим муайян қабилалар тилида нозил бўлган» деган гапларини ақлий далил ҳам, нақлий далил ҳам қўллаб-қувватламайди.

*(Давоми бор)*

**«Қуръон илмлари» китобидан**